



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 6 МАЙ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 89 (12.650)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов 5 май куни
Оқсаройда Япония Бош вазирининг
ўринбосари, молия вазир Таро Асони
қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон уни нафақат нуфузли сиёсат ва давлат арбоби, айни пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва стратегик шериклик ўрнатишга катта ҳисса қўшган ишончли дўст деб билишини таъкидлади. Президентимиз Таро Асони ушбу ташриф давомида унга Ўзбекистон Банк-молия академиясининг Фахрий доктори унвони берилгани билан табриклади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил февраль ойидаги Японияга расмий ташрифи Ўзбекистон — Япония муносабатларига янги суръат бағишлади, сиёсий мулоқотни фаллаштиради, стратегик ҳамкорликни янги мазмун билан бойитди.

Япония Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади. 2013 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 215,2 миллион АҚШ долларидан ошган. Япония томонидан Ўзбекистонга кiritилган молия воситаларининг умумий ҳажми 2,32 миллиард долларни ташкил этади.

Япониялик ҳамкорлар «Кўкдумалок» қонида компрессор станциясини ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш, Самарқанд, Бухоро ва Ўргач аэропортларини модернизациялаш каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этди.

Бугунги кунда Қарши — Термиз темир йўл тармоғини электрлаштириш, Навоийдаги иссиқлик электр станциясини кенгайтириш ва Тошкентда иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Учрашувда энергетика, қон саноати, нефть-газ, кимё, электротехника, автомобилсозлик ва телекоммуникация соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Таро Асо самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Япония ҳукумати Ўзбекистон билан кенг қўламли иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

(ЎзА)

МАЛАЙЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзия Бош
вазирининг ўринбосари, таълим вазири Мухиддин
бин Ҳожи Мухаммад Яссин 5 май куни Ўзбекистон
Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев билан
учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги алоқалар икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган қилишувлар асосида кўпга соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида турли соҳаларни, жумладан, савдо-саноат, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, ҳаво транспорти катнови, илм-фан, маданият, сайёҳлик, табиий ресурсларни ўзлаштириш каби йўналишларни қамраб олувчи йигирмадан зиёд ҳужжатдан иборат бўлган мустақам шартномавий-ҳуқуқий асос мавжуд.

Ўзбекистонда Малайзия сармояси иштирокида иқтисодиётнинг нефть-газ, тўқимачилик саноати, меҳнатсозлик, электр техникаси маҳсулотларини ишлаб чиқариш, молиявий хизматлар кўрсатиш ва бошқа жабҳаларни қамраб олган кўпга қўшма корхоналар фаолият юритмоқда.

— Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ҳамкорлик бугунги кунда иқтисодиёт, таълим ва сайёҳлик каби соҳаларда жадал равишда тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади. — деди Мухиддин бин Ҳожи Мухаммад Яссин. — Сайёҳлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигимиз улкан салоҳиятга эга. Малайзияда Ўзбекистонни, хусусан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларни зиёрат қилишни, мамлакатининг жонивор цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини ақидан ўрганишни истовчилар жуда кўп.

Малайзия Бош вазирининг ўринбосари, таълим вазири Мухиддин бин Ҳожи Мухаммад Яссин Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири Алишер Ваҳобов билан учрашди. Музокарада мамлакатларимиз

ўртасида таълим йўналишидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида сўз юритилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётгани, талабалар алмашинувиининг кенг йўлга қўйилгани бунга ёрдам берди экани таъкидланди. Бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, икки мамлакатнинг таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, ўзаро таъриба алмашуви янада фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Мухиддин бин Ҳожи Мухаммад Яссин Ўзбекистон давлат тиллари университети профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар билан ҳам учрашди.

Мазкур университетда йигирмага яқин хорижий тил, жумладан, малай тили бўйича сабоқ берилади. Олий ўқув юртида фаолият юритаётган Малай тили маркази талабаларининг ушбу тилни чуқур ўзлаштиришига қўшма қўл берилади. Университет билан ҳамкорликда қатор маданий тадбирлар, анжуман ва семинарлар ўтказиб келади.

Бугунги кунда Ўзбекистон давлат жон тиллари университети Малайзиянинг қатор таълим муассасалари, жумладан, Перлис ва Султон Идрис университетлари ҳамда Аллианс тиббиёт коллежи билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган.

Учрашув якунида Ўзбекистон давлат жон тиллари университети билан Малайзиянинг Бинари университети ўртасида ҳамкорликка оид англашув меморандуми имзоланди.

**Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири**



Ёлқин Шайхиддинов (ЎзА) олган сурат

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

СЎЗИ ҲИКМАТ, ҲАЁТИ ИБРАТ

Мамлакатимизда ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланиб, нуруний отахону онахонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади. Халқимизга хос ана шу эзгу удумлар қадрли улуг, қадди баланд кексаларнинг ҳаёт сабоғи, эзгу дуоларига уланиб кетади.

Дарҳақиқат, ўтганлар хотирасини абадийлаштириш, шу билан бирга, катта ҳаёт мактабини кўрган бобою бувиларимизни шарафлаш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмун билан бойиди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг номлари тикланди. Уруш қатнашчилари, фахрийлар ва ногиронларнинг фаровон ҳаёти учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва кекса авлод вақиларига бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Абдулла Аюпов истиқлол туфайли эъзоз топган нурунийларимиздан. Отахоннинг ҳар бир сўзи бугунги тинч, саодатли кунларга шукроналик билан бошланади.

А.Аюпов уруш якунланган, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетини битириб, фалсафа кафедрасида илмий изланишлар олиб борди. Кўп йиллар талабаларга фалсафа фанидан сабоқ берди. Рафиқаси Марғуба Ҳамидова — шифокор. Узоқ йиллар 1-Республика шаҳар ши-

фохонасида фаолият юритган. Улар уч фарзандни эл қорига ярайдиган, илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшаётган мутахассислар қилиб воёга етказишди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонида бинаов А.Аюпов «Жасорат» медаллари билан тақдирланган.

— Ёшлар давримиз суронли йилларга тўғри келди, — дейди А.Аюпов. — Мустақил Ватанимизда ёшлар учун яратилган чексиз имкониятларни кўриб, чин дилдан қувонаман. Бу фарзандларимиз учун энг катта бахт. Ёшлар қатори биз, кексаларга ҳам юксак эътиборни доимо ҳис қилиб яшамокдамиз. Саломатлигимизни тиклаш, замонавий шарт-шароитларга эга шифо масканларида бепул даволаниш имконияти мавжуд. Бу каби ҳурмат-эҳтиромдан кўнглимиз тоғдек кўтарилади.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги Беруний маҳалласида яшовчи Абдулла бобо ва Марғуба ая бугун фарзандларини неваралари ардоғида. Ҳар байрам арафасида бу хонадон янада гавжум бўлади. Шогирдлари, маҳалла ёшлари кўпни кўрган отахон билан сўхбатлашишга интилади. Зеро, кексалар ўғити ва сабоқлари улғаяётган ёшлар учун ҳаммаша ҳаёт ва ибрат мактабидир.

**Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎзА мухбири**

Ёшлар оид давлат сиёсати — амалда

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗ — ЁШЛАР НИГОҲИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
Демократик институтлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини
ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан «Ўзбекистонда ёшларга
оид қонунчилик ёшлар нигоҳида» мавзусида маърифий учрашув
ўтказилди.**

Унда Зулфия номидаги Давлат муқофоти ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси совриндорлари, иқтисодий талаба-ёшлар, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирок этди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

кўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш, уларнинг тўлақонли таълим-тарбия олиши, ўз қизиқиш ва иқтидорига мос тарзда касб-хунар эгаллаши, меҳнат бадлиғи масаласида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирини таш-

кил этишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарори бу йўналишдаги ишларни замон руҳига мос тарзда такомиллаштириш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида «Китобхонлар танлови»нинг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятдан 9 олий ўқув юртининг етмишга яқин талабаси иштирок этди.

• Самарқандда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартибларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

• Сурхондарё вилоятида спортчи қизларга миллий анъаналаримиз асосида тайёрланган спорт кийимлари топширилди. Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳамкорлигида шаҳар ва туманларда ташкил этилган маросимларда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчи қизларнинг устозлари, ота-оналар, тажрибали спортчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Қорақалпоғистон Республикасида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида стол тенниси, бадий гимнастика, футбол бўйича «Қамолот» кубоги мусобақалари ўтказилди. «Экология ва ёшлар» лойиҳасида иштирок этган ижодкор ёшлар ўртасида ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ерости бойликлари оқилона фойдаланиш, табиий ресурсларни тежаш тўғрисида иншолаб танлови бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• 1939 йилда АҚШлик таниқли кинооператор Грегг Толандга топширилган «Оскар» ҳайкалчаи Лос-Анжелесда ўтказилган кимошди савдосида 150 минг долларга сотилди. У ушбу совринга «Момақалдинокли дово» фильмидаги операторлик иши учун муносиб кўрилган эди.

• Ла-Манш бўғози орқали Франция ва Буюк Британия ўртасида қатновчи паромда ёнғин келиб чиқди. Улардан беш нафари экипаж аъзолари, беш нафари эса йўловчи экани айтилмоқда. «Seaways» компаниясига тегишли ушбу паромдаги қолган барча одамлар эсон-омон эвакуация қилинган.

• Жорий йилнинг апрель ойида Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) томонидан углеводород хом ашёси қазиб чиқаришнинг кунлик ҳажми 29,86 миллион баррелга тушиб қолди. Бу 2011 йилнинг июнь ойидан бери энг паст кўрсаткич ҳисобланади. Изоҳланишича, маҳсулот етказиб беришда салмоқли ўрин тутадиган икки давлат — Саудия Арабистони ҳамда Ироқнинг нефть қазиб олишни қисқартиргани бунга асосий сабаб бўлган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент иқтисодий-ёт коллежида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида-

ги «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида «Бахтиёрлар диёри» кўрик-танлови уюштирилади.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида «Номоддий маданий мерос ёшлар талқинида» мавзусида илмий семинар бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Яққасарой тумани ёшлари иштирокида «Касб ва мутахассислик» фестивали ўтказилди.



«O'rta asrlar Sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojida roli va ahamiyati»
XALQARO KONFERENSIYASI

МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
«Историческое наследие ученых и мыслителей средневекового Востока, его роль и значение для современной цивилизации»

INTERNATIONAL CONFERENCE
The historical heritage of scientists and thinkers of the Medieval East, its role and significance for the modern civilization

SAMARQAND 15-16 MAY 2014

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2014 йил 1 апрелдаги фармойишига мувофиқ ташкил этилаётган мазкур анжуманда дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва илмий марказлар вакиллари катнашиши kutilmoqda.

Шу кунларда Самарқандда ушбу халқаро анжуманга қизгин ҳозирлик қилинаётган. Вилоятдаги олий ўқув юртилари, илмий-тадқиқот институтлари олимлари томонидан дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган аждодларимиз меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Археология институти олим ва мутахассислари ҳам ўзларининг бу борадаги илмий изланишларидан кенг жамоатчиликни хабардор этмоқда.

Мазкур институт директори, тарих фанлари номзоди Амриддин БЕРДИМУРОДОВ бу ҳақда ЎЗА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди.

— Аждодларимиз бундан уч минг йиллар муқаддам ҳозирги замонавий илм-фаннинг илк пойдеворини қўйган ва ривожлантирган, — дейди А.Бердимуродов. — Шу боис Шарқ халқлари яратган гоёлар ва илмий кашфиётлар қадимдан бутун дунёда ўрганилган. Урта асрларда Фарбда «Нур Шарқдан таралади», деган иборанинг пайдо бўлгани ҳам бежиз эмас.

Аммо бу замин қанча-қанча уруш ва босқинларни бошдан кечириб, илмий-маънавий меросининг кўп қисмидан жудо бўлди. Аждодларимизнинг қўллаб-қувватлаб олинган, улар томонидан барпо этилган бир қанча меъморий обидалар йўқ бўлиб кетган. Масалан, Абу Райхон Беруний 154 асар ёзган, лекин бизгача унинг бор-йўғи 24 таси етиб келган. Бундай фикрни Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий каби улўғ алломаларимизнинг меросига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданок Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш, тарғиб этиш, уларнинг хотираларини тиклаш ва абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур Мотурудий, Ҳаким Термизий, Бурхониддин Марғиноний каби улўғларимизнинг таваллуд айёмлари кенг нишонланди. Шу муносабат билан уларнинг илмий-маънавий меросини ўрганиш, бу мўтабар зотлар номи билан боғлиқ масканларни обод этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Бу жараёнда институтимиз ходимлари томонидан ҳам археологик қазишма ва илмий тадқиқотлар олиб борилади.

99 тўғрисида ҳақдорлар билан ҳаммуҳим

Бугунги кунда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш шарт-шароитларини тубдан яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда.

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ЯНГИ ИМКОНияТЛАР

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда жорий йил 15 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларда муҳим омил бўлмоқда.

«Ўзэкспомарказ» кўргазмалар мажмуасида бўлиб ўтган кўргазмалар семинари ушбу қарор ва фармон мазмун-моҳияти, унинг ижроси ҳамда тадбиркорлик субъектларига яратилаётган қўлай имконият ва афзалликлар тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қўнунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Божхона, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмиталари, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари ҳамда хорижий инвесторлар иштирок этишди.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига катта эътибор қаратилиб, соҳа вакилларига қўллаб-қувватлаш ва имкониятлар яратилаётган. Жумладан, солиқ тизимида ҳам тадбиркорлик субъектларига бир қатор енгилликлар берилган. Юртимизимизнинг юқорида қайд этилган Фармонида мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текширишни тақридан бўйча мораторий муддати 2017 йил 1 январга қадар узайтирилди. Яъни, ушбу субъектларда 2017 йилнинг 1 январига қадар текшириш ўтказилмайд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилда қабул қилинган Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори асосида алломанинг ҳаёти, фаолияти, илмий меросини ўрганиш билан бирга, у туғилиб ўсган Кува шаҳри илмий жиҳатдан тадқиқ этилди. Бу ерда олиб борилган кенг кўламли археологик изланишлар шаҳарнинг қадимги даврдан бошлаб ривожланиш босқичларини кузатиш имконини берди. Кува шаҳристонининг жанубий қисмида оғир, ер сатҳидан 8,20 метр чуқурликда аниқланган қулоқчилик буюмлари милоддан аввалги IV-III асрларда бу жойда аҳоли яшаш пункти бўлганлигини кўрсатди. Тадқиқотлар давомида шаҳарнинг кейинги ривожланиши, унинг топографик қўриниши, аҳоли турар жойлари, ибодатхоналар, мудофаа деворлари, аллома

яшаган даврдаги ҳолати ҳақида қимматли маълумотлар тўпланди.

Кува шаҳри бир неча даҳага бўлиниб, уларда хунармандчилик ривожланган. Шарқий томонда шимолга ишлаб чиқарувчи, фарб томонда қўза ясовчи устахоналар қолдиқлари топилди. Аҳмад Фарғоний даврида шаҳар 700 квадрат метр майдонни эгаллагани аниқланди.

Тадқиқотлар Кува шаҳри йirik ишлаб чиқариш, савдотик, маданий ва сиёсий марказлардан бўлганлигини кўрсатди. Бу шаҳарда илм-фаннинг турли соҳалари ривожланишига, Аҳмад Фарғонийдек алломалар етишиб чиқишига замин яратган.

Алишер Навоий шариат ва тариқатда «улўғ шайх», тасавуф илмида «ягона дур» деб таърифлаган Абу Абдуллоҳ Мухаммад ал-Ҳаким ат-Термизий (820-932 йиллар) диний ва дунёвий илм оламида чуқур из қолдирган алломалардан биридир. Бу буюк ватандошимиз дунёвий ва диний соҳаларда 400 га яқин асар яратган.

Мустақиллик йилларида аллома меросини ўрганиш баробарида, унинг мақбараси, у билан боғлиқ иншоотларни археологик жиҳатдан ўрганиш, асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Мақбара атрофидаги катта майдон ўзининг дастлабки сатҳи даражасида очилди. Бу ерда қатор қурилма ва бинолар, хусусан, маросимлар ўтадиган суфа ва мўъжаз бир гўмбазли мақбара асослари аниқланди. Мақбаранинг шимолӣ ва шарқий томонларида 15 га яқин форсимон хоналар топилди. Бу хоналар милодий IV-V асрларда қурилган ва VIII аср бошларида қадар буддавийлик иншоотининг таркибий қисми бўлиб хизмат қилган. Ҳаким Термизий яшаган даврда бу иншоотлар қайта таъмирланган.

Дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири бўлган Самарқанд Мовароуннахрнинг маданий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу ерда дунёга машҳур қўллаб

алломалар туғилиб, қамолга етган. Самарқанд яқинида жойлашган Мотурид қишлоғида таваллуд топган Абу Мансур Мухаммад Мотурудий (870-944 йиллар) ана шундай аждодларимиздан биридир. Аллома асос солган диний таълимот — мотурудия мактаби Шарқ мамлакатларида катта шухрат қозонган. Бунга сабаб, унда илғари сурилган гоёлар ислом динининг моҳиятини тўғрилиқ, эзгулик, инсонийлик деб биладиган инсонларнинг қарашлари ва интилишлари билан ҳамоҳанг бўлганидир.

Имом Мотурудий Самарқанддаги Чокардиза қабристонини дафн этилган. Ушбу қабристон ўтган асрнинг 40-50-йилларида бутунлай йўқ қилиниб, ўрнига уйлар қуриб юборилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 декабрдаги қарорига мувофиқ 2000 йилда алломанинг 1130 йиллик таваллуд санаси нишонланиши муносабати билан институтимиз олимлари Чокардиза қабристонини қазималар олиб борди. Бу изланиш натижасида

Чокардиза қабристонининг умумий майдони 4,5 гектар, маданий қатламнинг қалинлиги 6-7 метрга етиши аниқланди. Тадқиқотлар давомида Мотурудий қабри ёнида XI асрда бунёд қилинган ва кейинги асрларда қайта қурилган масжид пойдевори топилди. Шу пойдевор асосида улўғ алломанинг қабри аниқланди.

Маълумки, ислом оламида дастлаб марҳум қабри устига ёшил ёки сополга битилган ёзувлар қўйилган бўлса, X асрдан бошлаб оддий қайроқтошларга ёзув тушириб қўйиш урғга айланган. Чокардиза қабристонини ўрганиш пайтида сиртига марҳумнинг исми-шарифи, нисбаси ва вафоти санаси битилган ўттиздан ортиқ шундай қайроқтошлар топилди. Ушбу қабр тошларнинг аксарияти XII-XIII асрларга оидлиги аниқланди ва мазкур қабристонда номи бизга маълум бўлмаган қўллаб алломалар дафн этилгани қайд этилди.

Фарғона вилоятида таваллуд топган Бурхониддин Марғиноний ҳам ушбу қабристонда дафн этилган. У зот Марғинонийнинг Пурсиддик маҳалласида 13 йил яшаб, ўша ерда ўзининг машҳур «Хидоя» китобининг биринчи қисмини ёзган. Кейинчалик Самарқандга кўчиб бориб, илмий фаолиятини давом эттирган.

2000 йилда ушбу аллома таваллудининг 910 йиллик юбилеи халқаро миқёсда нишонланди. Асарлари, ҳаёти, ижоди кенг кўламли тадқиқ этилди. Риштон, Марғилон ва Самарқанд шаҳарларида археологик тадқиқот ишлари амалга оширилди. Бу жараёнда Риштон ва Марғилон шаҳарларининг ўрни аниқланиб, улар XI-XII асрларда арк, шаҳристон ва раббат қисмларидан иборат бўлгани исботланди. Жумладан, Марғилон шаҳрида олиб борилган бир неча йиллик археологик тадқиқотлар шаҳарнинг бундан икки минг йил олдин шаклланигани аниқлаш имконини берди.

Институтимиз ходимлари томонидан буюк аждодларимиз меросини ўрганиш, тадқиқ этиш ҳамда келгуси авлодларга етказишга қаратилган археологик тадқиқот ва илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

Ғолиб ХАСАНОВ
ёзиб олди

Тадбиркорлик

ИЗЧИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига кенг имкониятлар яратилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётида муҳим омил бўлмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва назорат қилувчи органлар ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш, ишчанлик муҳитини такомиллаштириш,

тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини йўқотиш ҳамда ҳимоя қилиш, ишбилармонларнинг чет эллик шериклар билан алоқаларини йўлга қўйишда қўмақлаштириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Яққасарой туманида тадбиркорлик субъектларининг шикоятларини қўриб қиқиш ва муаммоларининг амалда ечилиши таъминлашга қаратилган «Тадбиркорлар кўни» тадбирининг ўтказилгани ҳам ўз самарасини берди.

Туман ҳокимлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг туман ахборот маслаҳат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тумандаги тижорат банклари, солиқ инспекцияси ва бошқа бир қатор идоралар вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимиз ривожланишининг асосий омилли бўлиб, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда етакчи қўлга айланиши таъкидлаб ўтилди. Соҳани қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тумандаги қорхоналар томонидан рақобатбардош ва экс-

портбон маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Йиғилишда соҳа вакилларига имкониятлар яратиш, замонавий технологияларга асосланган, шу жумладан хорижий инвесторлар иштирокида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, инновация технологияларини жорий этиш орқали тадбиркорлар фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама қўмақ бериш каби масалалар хусусида сўз юритилди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари шакллари қўқсқатириш, уларни топириш механизмининг такомиллаштириш ҳисобига республикада қўлай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, бизнес субъектларини ташкил қилишни содда-лаштириш ва уларнинг янада эркин фаолият юритишларини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Тумандаги мутасадди ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган ёрдам тадбиркорлар фаолиятининг янада барқарор ва мутаносиб ривожланишига, ташқи бозорда ўзининг мустақам ўрнини эгаллашга, шулар асосида мамлакатимизнинг изчил иқтисодий ўсиши таъминланишига, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошишига замин яратди.

Фаррух БАХРОМОВ

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗ — ЁШЛАР НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга оид мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Жумладан, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётага изчил таътил этилиши самарасида ўқитишнинг барча тизими тубдан ислоҳ этилиб, жаҳон андозалари даражасидаги билим масканлари барпо қилинди. Ўқув жараёни сифат ва мазмун жиҳатдан такомиллаштирилиши натижасида реал иқтисодиётнинг барча жабҳалари учун юқори билим ва малакага эга бўлган, рақобатбардош, замонавий фикрлайдиган малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Бошлар спортини ривожлантиришга оид қатор фармон ва қарорларнинг ҳаётага изчил жорий этилиши соғлом турмуш тарзини бошлар ва ёшлар ўртасида шакллантириш, уларни оммавий тарзда жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш имконини бермоқда. Спорт мусобақаларининг уч босқичли узлуксиз тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада беллашувлари ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг спортга бўлган меҳрини тобора кучайтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ ҳар бир ҳудудда янги иш ўринлари ташкил этиш, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз бизнесини ташкил этиши учун микрокредитлар ажратиш ишлари ҳажми тобора ортди. Мамлакатимизда ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш орқали уй-жой сотиб олиш ёки қуришда, рўзгорини бутлашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ёшларга оид миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, беғубор қалб соҳибларининг онгу шуурини турли ахборот-лаш хуруғи, мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялаш, баркамол авлоднинг воғга етказишда давлат ва жамият томонидан кўрсатилади-ган қўмакни кучайтириш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, ижтимоий муҳофаза муассасаларида замонавий талабаларга жавоб берадиган шарт-шароитлар яратишга оид ишлар ҳажми кенгайгани эътиборга молик-дир.

— Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг аксарияти ёшларнинг фаровон келажагини барпо этиш, барча орзуларини юзага чиқаришдек улўғвор мақсадларни кўзлаши билан аҳамиятлидир, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Шайхонтоҳур академик лицейи ўқувчиси Фарида Тошпўлатова. — Буларнинг барчаси истиқлолимизнинг қадрига етишга, унинг неъматларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, Ватанимиз, халқимизга муносиб инсон бўлишга ундайди.

Тадбирда ёшларга оид миллий қонунчиликнинг мазмунини, аҳамияти ҳақида атроф-лича сўз юритилди. Иштирокчилар Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси қўмиталари фаолияти билан танишди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Тадбирлар

УНИВЕРСИТЕТДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетиди битирувчи талабалар, ўқитувчилар, халқ таълими муассасалари вакиллари иштирокида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Жорий йилда мазкур олий ўқув юртини 1600 нафар талаба битаиради. Ушбу ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда иштирок этган халқ таълими муассасалари раҳбарлари ёшларга иш шароитлари ҳамда мактаблар фаолияти ҳақида сўзлаб беришда ҳамда битирувчи талабаларни бўш иш ўринлари билан таъинлаштиришди. Қувонарлиси, ушбу тадбирда вилоятлардан келган мактаблар вакиллари ҳам иштирок этишди. Яқунда қўғнага талабалар иш ўринларига эга бўлишди ва ишлайдиган мактаблари раҳбарияти билан меҳнат шартномаси имзолашга муваффақ бўлишди.

(Ўз мухбири)

Абдуллим САЛИМОВ
Ислон Исмоилов олган сурат

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоялаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Маҳалла

ЭНГ НАМУНАЛИ ФАОЛЛАР АНИҚЛАНДИ

Хусусан, 2005 йилдан бошлаб маҳаллаларда фаолият олиб бораётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича энг намунали маслаҳатчиларни аниқлаш, уларнинг илгор иш тажрибаси, эришган ихобий

натижаларини кенг оммалаштириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-

ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи кўрик-танловини ўтказиш аънаёна айланган. Учтепа туманидаги Абдулла Қодирий маҳалласида ушбу танловнинг туман bosқичи бўлиб ўтди.

Иштирокчилар учта шарт бўйича ўз билим ва маҳоратларини кўрсатишди. Жумладан, биринчи шарт бўйича фаолиятларига оид кўрсаткичлари, эришилган ютуқларини намоён этишди, иккинчи шартда дуч келинаётган муаммолар ечимини саҳна кўринишлари орқали кўрсатишди, учинчи шартда эса маслаҳатчиларнинг кундалик ҳаётида учраб турадиган воқеа-ҳодисаларга оид саволларга берган жавоблари, фикр-мулоҳазалари, дунёқараши, ҳозиржавоблиги ва тез фикрлашига эътибор қаратилди. Танловнинг якуний натижаларига кўра «Ватанпарвар» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Раъно Холматова ғолиб чиқиб, кўриқнинг шаҳар bosқичига йўланма олди.



Тадбир «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар қўмитаси, Маънавий тарбиёт маркази, «Камолот» ЁИХ, Ички ишлар бошқармаси, тиббиёт бирлашмаси туман бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилди.

— Маслаҳатчилар томонидан ўз зиммаларидаги вазифалар ижросини таъминлаш борасида тизимли тарзда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, уларни рағбатлантириш ҳамда бу борадаги илгор иш тажрибаларини оммалаштириш танловнинг асосий мақсадларидан ҳисобланади, — дейди Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муҳайё Саидиқромова. — Туманимиздаги 48 та маҳаллада диний

ШАҲАР БОСҚИЧИДА ҚАТНАШАДИ

маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият юритиб келмоқда.

Бугунги кун маслаҳатчилари мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, улар орасидан иқтидорли тарбиячиларни излаб топиш, жамиятдаги фаоллиги ва маҳоратини ошириш ишларида ҳам яқиндан ёрдам бермоқда.

Чилонзор туман ҳокимлигида ҳам мазкур танловнинг туман bosқичи юқори савияда ташкил қилинди. Унда маҳаллалар ўртасидаги bosқичларда биринчи ўринга сазовор бўлган олти нафар маслаҳатчи иштирок этди.

«Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танловининг Чилонзор туман bosқичида «Катта хирмонтепа» маҳалласи маслаҳатчиси Шарофат Абдиева биринчи ўринга муносиб деб топилиди ва шаҳар bosқичига йўланма олди.

Танлов доирасида эл севган хонандалар ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар тадбирнинг янада мазмунли чиқишини таъминлади.

Гулчеҳра ДҲРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар

2014 йил — Соғлом бола йили

НАФОСАТ МАЛИКАЛАРИ

Унда иштирок этган жами 27 жамоа мусикали синхрон рақсларини Чилонзор туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, туман «Баркамол авлод» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши вакилларида тузилган ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этишди. Унда мураккаб йўналишдаги спорт рақслари техникаси, элементларининг тўғри бажарилиши, жамоалар иштирокчиларининг миллий спорт либосларидалиги, танланган мусикаларнинг миллийликка асосланганига алоҳида эътибор қаратилди.

— Бундай мусобақалар ўқувчи-қизларни маънан баркамол, жисмонан соғлом этиб вояга етказишда муҳим ўрин тутади, — дейди коллеж директори Шавкат Қурбонов. — Беш йилдан буюн аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақада ҳар бир жамоадан 15 нафардан ўқувчи иштирок этди. Таш-

Ўқувчи-ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш, уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга эътибор ҳар қачонгидан-да юқори. Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва маҳоратларини ошириш, спортнинг бадий гимнастика ва аэробика йўналишларини оммалаштириш мақсадида 1-Тошкент педагогика коллежида «Гимнастрада» спорт мусобақасининг очилиши ва биринчи bosқич ўйинлари «Нафосат ва гўзаллик маликалари» шиори остида ўтказилди.

килотчилар ушбу спорт мусобақасини тумандаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ҳам ташкил этишни мақсад қилишган.

Мусобақа якунида ғолиблар аниқланди. Натижаларга кўра, коллежнинг 217-гуруҳ жамоаси 100 балл тўплаб, 1-ўринни эгаллади. К — 208 ҳамда М — 22 гуруҳлари ўқувчиларига иккин-

чи ўрин насиб этди. К — 207-гуруҳи ўқувчилари жамоаси 3-ўринга лойиқ кўрилди. Ғолиблар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши фахрий ёрлиқлари ва мактаб маъмуриятининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси

Бугунги кунда дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар мавжуд экани, кишиларнинг осуда ҳаётини издан чиқаришга қаратилган янги шаклдаги таҳдидларнинг пайдо бўлаётгани ва бунинг натижасида бузғунчи ғоялар мафкура майдонига кириб бораётгани қайд этилмоқда. Бундай кучлар шу йўл билан ҳар бир давлатни ўз тараққиёт йўлидан издан чиқаришга ҳаракат қилади ҳамда ғоявий бўшлиқ, лоқайдлик ва бепарволик мавжуд жойда пайдо бўлади.

Бундай пайтда юрт тинчлиги, бирдамлиги ва соғлом мухитни қарор топтириш учун одамларда энг аввало, дахлдорлик ҳиссини кучайтириш даркор. Дахлдорлик, шахсининг ён-атрофида бирор нохушликни кўрганда бепарво бўлмаслиги, бу кўнгилсизлик бугун унга зарар келтирмаётган бўлса, балки эртага ўзининг ҳам бошига тушиши мумкин эканини ҳис қилган ҳолда яшаб демакдир. Дарҳақиқат, юрт тинчлигини асраш — ҳар бир фуқаронинг энг муҳим вазифасидир. Бунинг учун эса, авваламбор, давлатимиз ва жамиятимиз тинчлигига раҳна солишга уринаётган ёвуз кучларнинг асл мақсадини англаш ва ҳалқимизни ушбу таҳдидлардан огоҳ қила билиш керак.

Тинчлик — барча халқларнинг азалий орзуси бўлиб келган. Ҳумладан, у инсонларвар ва бағрикенг халқимизнинг тили ва дилидан мустаҳкам жой олган энг олий қадрият ҳисобланади. Тинчликнинг бебаҳо неъмат экани ислом дини манбаларида ҳам такрор-такрор айтилган. Хусусан, Қуръоннинг 50 дан зиёд сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар тинчлик, эзулик ва бағрикенгликка қақчиланган. Ҳадиси шарифда эса «Тинчлик ва хотир-жамлик икки улғу неъматдирки, бундан кўп одамлар маҳрумдирлар» дея инсонлар тинчлигининг қадрига етишга, ўзаро аҳил-иноқ яшашга даъват этилади. Исрол дини тинчлик тушунчасини ўзининг бош ғояси ва муҳим шиориға айлантиргани беҳиз эмас, албатта. Шунингдек, халқимизнинг «Қўшининг тинч — сен тинч», «Бир кун уруш бўлган жойдан қирқ кун барака кетади» каби маколларда ҳам тинчликнинг қанчалик бебаҳо неъмат экани эътироф этилади.

Лекин, ғоялар кураши авж олган XXI асрда тинчлик неъматини кўплаб мамлакатлар учун ҳамон орзу бўлиб

қолмоқда. Бунга дунёдаги баъзи мамлакатларда рўй берган ва ҳамон давом этаётган сиёсий инқирозлар оқибатида юзага келган қонли тўқнашулар мисол бўла олади. Зеро, тинчлик уруш ва низолаҳда барҳам бериш орқалигина таъминланади. Афсуски, турли қарама-қаршилиқ ва зиддиятларни келтириб чиқариш йўли билан ўз мақсадларига эришишни кўзлайдиган кучлар бор экан, сунъий равишда низоли вазиятлар

ни вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатлар ҳам тўхтамади.

Хозирги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, мафкура майдонига турли қарашларнинг ҳукмронлик қилиши табиий ҳолатдир. Бундай манфур кучларнинг динимиз асосларини, ҳатто Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг асл моҳиятини бузиб талқин қилиши уларнинг ҳар қандай қабиҳликдан тап тортмаслигидан далолат беради.

Демак, тинчликка таҳдид солиш, жамият тараққиёти ва халқ фаровонлигига зиён етказиш каби хавф-хатарларнинг олдини олиш учун кишилар, айниқса ёшлар доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаши лозим. Бугун лоқайдлик сабаб кичик бир хатодек кўринаётган иш эртага катта кулфатларни бошлаб келиши мумкин. Президентимиз Исрол Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаганларидек: «Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлук-

Яқинда Тошкент Давлат ахборот технологиялари университети қошидаги Юнусобод академик лицейда маънавий-маърифий тадбир уюштирилди. Унда лицей ўқувчилари, ўқитувчилар ва ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

ЁШЛАР — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИ

Тадбир ёшларни оммавий маданият таъсирига тушиб қолишдан асраш, уларнинг диний ақидалар-растлик ғояларига берилиб кетишларининг олдини олиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларига бағишланди.

Тадбир қатнашчилари фарзандларимизнинг билимли, зукко ва жисмонан бақувват бўлиб воя-

га етишлари учун педагоглар, ота-оналар ҳамкорлиқда фаолият олиб боришлари зарур эканлигини, айниқса, уларнинг жисмоний тарбия билан шугулланишлари фойдадан ҳоли эмаслигини эътироф этишди.

Яқинда устоз педагоглар бу борада баҳарлилиги лозим бўлган ишлар режасини белгилаб олишди.

(Ўз мухбиримиз)

сиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин». Шундай экан, буни ҳеч қачон унутмаслигимиз, келажагимиз ҳисобланган ёш авлод-ни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этиб яшашимиз лозим.

Юртбошимиз тақлифига кўра, 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланган замирида ҳам жуда катта мазмун-моҳият муҳассам. Фарзандни ҳар жиҳатдан юксак маънавиятга, баркамол ва соғлом этиб вояга етказишнинг асоси тинчлик-осойишталик экани ҳаммага маълум. Шу муносабат билан, «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишнинг устувор вазифалари ва йўналишлари сифатида оилалар ҳамда жамиятда ўзаро ҳамжихатлик, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, оилада тинчлик-хотиржамлик бўлса, маҳалла, қишлоқ, шаҳар ва ниҳоят, мамлакатда осойишталик ҳукм суради, юрт равнақ топади. Оиласи тинч ва кўнгли хотиржам инсоннинг фарзандлари соғлом ўсади, уларнинг таълим-тарбияси билан шугулланиш имконияти бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, бугунги мураккаб бир даврда инсоният учун тинчлик, барқарорлик неъматлари қанчалик улкан қийматга эга эканини чуқур англаб етмоғимиз даркор. Қурраи заминнинг айрим нуқталарида дин байроғи остида талончилик ва bosқинчилик, террорчилик ва кўпорувчилик ҳаракатлари содир этилиб, жамиятга ҳар томонлама зарар етказилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай ҳаракатлар ижтимоий барқарорликнинг издан чиқишига, миллатлараро ва динлараро адоват, миллатчилик, диний айирмачилик кайфиятларининг шаклланишига замин яратмоқда. Шундай экан, бундай ҳаракатларга қарши курашиш, ёшлар қалбини жаҳолат, ёт ғоялардан ҳимоя қилиш ҳам тинчликни мустаҳкамлашга қўшилган муносиб ҳисса ҳисобланади. Демак, Ватан тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиш ҳамда ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаб ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз саналади.

Комилжон ШЕРМУХАМЕДОВ,
Тошкент Исрол университети
Исролшунослик илмий-тадқиқот
маркази илмий котиби

Хурматли юртдошлар! Муҳтарам пойтахтимиз меҳмонлари!

2014 йилнинг 22-23 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳридаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида Республика китоб байрами ўтказилади.

Тадбирда адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китоблар тақдимотлари, таниқли адиб ва шоирлар билан учрашувлар, совринли викториналар, санъат усталари ва ёш ижодкорларнинг концерти ташкил этилади.

Республика китоб байрамига марҳамат қилинг!

Байрам тадбирларига
кириш эркин.

Маълумот учун телефон:
(8 371) 244-12-61

Таълим

ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ АНЖУМАНИ

Тошкент Кимё-технология институтида ёш олимлар, магистрантлар ва бакалаврият талабаларининг аънавий XXII илмий-техникавий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда асосий эътибор ёш олимларнинг муҳим илмий-техник ютуқларини халқ ҳўжали-гига татбиқ этиш, тадқиқотчилар ва саноат ходимлари ўртасидаги алоқаларни, интеграцияни ривожлантириш, институт ходимларининг ма-лакасини, ишбилармонлик фаолиятини ошириш ҳамда талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини фаоллаштиришга қаратилди.

Анжуман ялпи мажлиси институт ректори профессор Садриддин Туробжоновнинг қириш сўзи, кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, изланувчиси Ҳикматулла Насруллаев, институтнинг озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси факультетининг бакалаврият 3-bosқич иқтидорли талабаси Илёс Маҳкамов, ёқилги ишлаб чиқариш ва органик бирикмалар технологияси факультети 1-bosқич магистранти, Бегуний стипендияси совриндори Икром Усмоновларнинг «Полиароматик бирикмаларнинг юмшоқ гидратлаш катализаторлари Ni, Mo, Wни синтез қилиш муаммолари», «Турли нарсалар билан мулоқотда бўлган одам қўлидаги микроорганизмларнинг сони ва тури», «Иккиламчи полиэтилентерефталат алкоғолизм жараёнида ҳосил бўлган моддалар таркибини ўрганиш» каби тақдим қилинган маърузалар билан бошланди.

Ялпи мажлис ва «Ноорғаник моддалар технологияси ва саноат экологияси», «Асосий органик ва нефть, кимё синтези, полимерлар технологияси», «Озиқ-овқат ва дон маҳсулотлари технологияси», «Кимёвий технологияда компьютер услублари ва фундаментал фанлар», «Таълим ва ижтимоий-гуманитар фанлар», «Саноат иқтисодиёти ва менежменти» каби шўъбалар бўйича 250 дан ортиқ маъруза ва бошқа чиқишлар тақдим этилди.

Аънамага кўра анжуман материалларини тўплам сифатида чоп этишга қарор қилинди. Китобнинг нашр қилиниб, тарқатилиши эса фикр алмашиш, илм-фан ютуқларини амалиётда қўллашда, тадқиқот ишларида янги йўналишлар белгилашда, таълим-тарбия ишларида қўл келади.

Анжуманда фаол иштирок этиб, совринли 1,2,3-ўринларни эгаллаганларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Тиббиёт

ДАВОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида «Ультратовуш усулида даволашнинг замонавий усуллари» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган шифокорлар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, беморларни даволашнинг энг замонавий усуллари, ушбу жараёнда ультратовуш усулларида фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, тадбир якунида ультратовуш апаратларининг янги моделлари ва уни тиббиётда қўллаш қоидалари ҳақида шифокорларга батафсил маълумот берилди.

(Ўз мухбиримиз)

